

**1960-1980 ЙИЛЛАРДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИНИНГ УЙ-ЖОЙ МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**
Акмал Юлдошович АБДУРАХМАНОВ

таянч докторант
Термиз давлат университети
Термиз, Ўзбекистон
akmal.abdurakhmanov78@mail.ru

Аннотация

Мақолада 1960-1980 йилларда Сурхондарё вилоятининг қишлоқ аҳолисига уй-жой қуриш бўйича давлат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти, қишлоқ одамларининг уй-жой қуришлари бўйича амалга оширган ишлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: турар-жой, кўп қаватли уй, қурилиш трести, колхоз, совхоз, кооператив уй, маданий-маиший объектлар, ўқув комбинати, посёлка, бино ва иншоотлар, ер майдони.

**ЖИЛИЩНЫЕ ВОПРОСЫ СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ
СУРХАНДАРЬНСКОЙ ОБЛАСТИ В 1960-1980 ГОДАХ: ПРОБЛЕМЫ И
РЕШЕНИЯ**

Акмал Юлдошович АБДУРАХМАНОВ
базовый докторант
Термезский государственный университет
Термез, Узбекистан
akmal.abdurakhmanov78@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются о создании и деятельности государственных организаций по строительству жилья для сельского населения Сурхандарьинской области в 1960-1980-е годы, работах, проводимых сельчанами по строительству жилья для себя.

Ключевые слова: жилье, многоэтажный жилой дом, строительный трест, колхоз, совхоз, кооперативный дом, культурно-бытовые объекты, учебный комплекс, поселок, постройки, земельный участок.

Уй-жойларнинг қурилиши энг муҳим ижтимоий муаммо – аҳолини турар жой билан таъминлашни ҳал қилишда асосий вазифани бажаради. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммоси мураккаб ва кўп режали вазифа бўлиб, у мамлакатнинг ўртача кўрсаткичларида умумий йўналишни белгилашдан ташқари, ҳар бир қишлоқ ҳудуди даражасида алоҳида ривожланишни талаб қилади. 1960-1980 йилларда республика аҳолисининг асосий қисми қишлоқ ҳудудларда яшаши, қишлоқ аҳолисинининг юқори суръатларда ўсиши туфайли уй-жойларга бўлган талаб ошиб борди.

Республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан Сурхондарё вилоятида қишлоқ аҳолисининг сони шаҳар аҳолисидан анча кўп эди. Масалан, 1950 йилда вилоятда қишлоқ аҳолиси жами аҳолининг 84.6 фоизини, 1970 йилда 84.0 фоизини, 1979 йилда 80.7 фоизини ва 198 -йилда 80.6 фоизини ташкил этди [18;93]. 1950 йиллар ўрталаридан қишлоқ ҳудудларида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида кўп қаватли уйлар қурилиши бошланди. 1959 йилда республикадаги совхозларда кўп қаватли яшаш уйлари салмоғи 14 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1962 йилда 45 фоизни ташкил этди. 1962-1963 йилларда “Сурхонводстрой” трести томонидан вилоят қишлоқ ҳудудларида 212 донга 2 хонали уйлар қурилди [2;8].

1963 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши қарорига асосан республиканинг қишлоқ ҳудудларида қурилиш ишларини амалга оширувчи “Узглавколхозстрой” трести ташкил этилди. Ушбу ташкилот вилоятлардаги 12 та қурилиш трести ва республикага қарашли 2 та қурилиш трестини ўзида бирлаштирди [16;70]. Сурхондарё вилоятида ташкил этилган “Облколхозстрой” трестига вилоятдаги мавжуд 6 та – 1959 йилда ташкил этилган Жарқўрғон, Ангор, Шеробод, Шўрчи, Денов ва 1960 йилда ташкил этилган Сариосиё колхозлараро қурилиш ташкилотлари бириктирилди [3;70]. Қишлоқ ҳудудларидаги аҳоли учун турар-жой бинолари асосан янги ўзлаштирилган ҳудудлар – Шеробод, Гагарин (ҳозирги Музрабод), Ленин йўли (ҳозирги Қизирик) туманларида олиб борилди. 1950 йилларнинг иккинчи ярми ва 1960 йилларнинг бошларида Бойсун туманидаги тоғ қишлоқларидан чўлни ўзлаштиришга келган 1000 дан ошiq хўжаликлар учун Шеробод массивида ўша вақтдаги “хрущёвский” ва “шилигин” номи билан аталган уй-жойлар қурилди [17;193]. Чўлга кўчиб келганлар дастлаб ертўлаларда яшарди. Ёзда чанг, қишда лой бўлганлигидан юриш мушкуллиги, чўл гармсели, дам бадам хуруж қиладиган “афғон” шамоли, айниқса сувнинг танқислиги чўлқуварларнинг тинкасини қуритар эди. Бу қийинчиликларга чидай олмаган айрим кишилар тоғ қишлоқларига қайтиб кетар эди.

“Облколхозстрой” трестига қарашли қурилиш ташкилотларида муаммолар етарли эди. Қишлоқ ҳудудларидаги трестлар томонидан қурилишларнинг

аксарияти сифатсиз ҳолатда бажарилар, бошланган қурилишлар ўз вақтида тугалланмасдан, чала ҳолда ташлаб кетилган ҳолатлар ҳам кўп учрар эди. Масалан, Денов туманидаги Куйбишев номли колхозда 1964 йил қурилиши бошланган клуб муассасаси чала қолиб, 1974 йилда ҳам тугалланмаган. 1971 йилда шу колхознинг Қорахон участкаси ҳамда туманнинг Жданов номли колхозида клублар қурилиши бошланган, бироқ 2-3 йил ўтиб, бино битмасдан қурувчилар кетиб қолган [4;16]. 1964 йилда Бешкент районида 302800 сўмлик 23 та бинолар қурилиши ўрнига 37 минг сўмлик 7 та бино, Чироқчи туманида шу йили 484 минг сўмлик 33 та бино қурилиши ўрнига 56.4 минг сўмлик 12 та бинолар қурилган.

Қурилиш ташкилотларида яна бир муаммо – кадрлар билан боғлиқ эди. “Облколхозстрой” трестига қарашли қурилиш ташкилотлари учун ишчилар Денов ўқув комбинатида тайёрлаб келинган. Лекин ушбу ўқув муассасасида қурилиш ташкилотлари учун зарур ишчилар етказиб беришда узилишлар бўлар, чунки ёшларнинг кўпчилиги ишнинг оғирлиги, ойлик маошнинг камлиги сабаб қурилиш соҳасида ишлашни хоҳламас эди. Ўқув комбинатида талабгорлар камлиги учун 1970 йилнинг 1-ярим йиллиги учун қурилиш ташкилотларига 63 нафар ишчи ўрнига 31 нафар ишчилар тайёрланган, холос. Мисол учун, Шеробод колхозлараро қурилиш ташкилотига 4 нафар ишчи зарур бўлган ҳолда бир нафар ҳам ишчи тайёрланмаган бўлса, Шўрчи колхозлараро қурилиш ташкилотига учун 12 нафар ўрнига 2 нафар ишчи тайёрланган. Соҳада олий маълумотли мутахассислар ҳам етишмас эди. 1968 йилда “Облколхозстрой” трестига қарашли корхоналарда 11 нафар қурувчи инженер ва 18 нафар қурувчи-техникларга эҳтиёж мавжуд эди [5;123].

1968 йил 22 ноябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг “Қишлоқда қурилишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга асосан 1969-1976 йилларда республикадаги 163 та колхоз ва совхозларда посёлкалар, қишлоқ ҳудудларида 250 минг квадрат метр уй-жойлар, 417 та кутубхона қурилди. 1972 йил 15 август куни Тошкент шаҳрида ўтказилган республика колхоз ва совхозларида қурилган “Энг эҳши посёлка” конкурсида Шеробод туманидаги Янгиобод посёлкаси 2-ўринни эгаллади [6;184]. 1967 йил

вилоят шаҳар ва қишлоқларида давлат маблағи ҳисобидан 52 минг квадрат метр янги уй-жойлар қурилди. Колхозлар ҳисобидан 1800 та уй-жойлар қурилди [20].

1970 йилларда областда қурилган қишлоқ касалхоналари, қишлоқ фельдшерлик-акушерлик пунктларининг аксарияти колхозлар, совхозлар ва қишлоқ кенгашлари томонидан қуриб битказилди. Масалан, Сайроб, Бойсун, Музрабод қишлоқ кенгашлари томонидан фельдшерлик-акушерлик пунктлари, Шўрчи туманининг “Боботоғ”, “ВЛКСМнинг 50 йиллиги”, Жарқўрғон туманининг Ленин ва Н.Боймуродов номли колхозлари, Термиз туманининг “Октябрнинг 40 йиллиги”, Денов туманининг “Социализм” колхозлари ўз ҳудудларида даволаш муассасалари қурдилар [7;15].

Иттифоқнинг Ўзбекистонда пахта хом ашёси ҳажмини ошириш мақсадида амалга оширилган тадбирлари қишлоқ аҳолисининг турар-жойларига нисбатан таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг 1972 йил 29 майда “Республикада хуторлик тузилишини тугатиш ва қишлоқда капитал қурилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 221-сонли қарори республика қишлоқ ҳудудларида яшовчи айрим оилалар учун қутилмаган салбий оқибатларга олиб келди. Қарорга асосан “хуторлар” деб эълон қилинган республиканинг қишлоқ ҳудудларидаги минглаб кичик аҳоли пунктлари тугатилиб, уларда яшовчи аҳоли туман марказларига яқин ҳудудларда қуриладиган посёлкаларга кўчирилиши белгиланди. Колхозларда яқка тартибда ҳамда жамоат қурилиши учун ер ажратишни қатъий тартибга солиниб, “истикболсиз” аҳоли пунктларида уй қуришни тақиқланди [8;318]. Кичик аҳоли пунктларидан кўчириладиган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида кўчириладиган фуқароларга банкдан 15 йил ичида тўлаш шarti билан турар-жой бинолари қуриш учун 4500 сўмгача бўлган ссуда билан таъминланди [9;15].

Республикада “хутор” хўжаликларидаги аҳолини кўчириш ва жойлаштириш мақсадида 1972-1982 йиллар оралиғида 212 та қишлоқ посёлкаси қурилди. Янгийўл туманидаги “Ленинизм”, Сирдарё туманидаги “Ленинград”, Термиз туманидаги “Октябрь 40 йиллиги” ва Ангор туманидаги “Қизил юлдуз” колхозларида посёлкалар намуна сифатида қурилди [22;110].

1972-1974 йилларда вилоятда 79 та “хутор” хўжалиги тугатилди. Фақат 1975 йилнинг ўзида “хутор” хўжалигини тугатиш мақсадида вилоятдаги 53 та кичик қишлоқларда яшаётган 895 та оила янги қурилган посёлкаларга кўчирилиб, кўчирилган қишлоқлар ўрнидаги 349.7 гектар ер пахта экин майдонларига айлантирилди [10;266]. Бу жараён доимий равишда давом этиб, вилоятда 1976 йилда 1120 та, 1977 йилда 1170 та, 1978 йилда 1050 та, 1979 йилда 730 та, 1980 йилда 780 та – шу йилларда жами 4850 та оилалар посёлкаларга кўчирилди [21;20].

1972-1975 йилларда республика бўйича 3000 дан ошиқ хутор хўжаликлари тугатилди. Аммо совет жамиятининг “истиқболсиз” қишлоқлар ва аҳоли манзилларини тугатиш ғоясида қутилган шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги яқинлашуви босқичи рўй бермади. “Хутор” хўжаликларини тугатиш сиёсати туфайли неча юз йиллардан буён анъанавий қишлоқ турмуш тарзида яшаб келаётган қишлоқ аҳолисини коттежлар ва икки қаватли уйларга кўчирилиши уларнинг чорва молларини сақлаш ва шахсий томорқаларига эга бўлиш имкониятини йўқотди. Бу қишлоқ оилаларига қутилмаган зарба бўлди. Туб миллатларга мансуб аҳоли аксарият ҳолларда кўп қаватли уйлардан кўра ўзининг шахсий томорқаси бор уйга эга бўлишни афзал билар эди [19;40].

Вилоят партия комитети бюросининг 1977 йил 15 июндаги “Сурхондарё вилояти қишлоқ ҳудудларида уй-жой кооперативлари қуриш тўғрисида”ги қарори асосида вилоят қишлоқ ҳудудларида аҳоли уй-жойлари қурилиши учун 1977 йил апрель ойида 17 та уй-жой кооперативлари ташкил этилди. Кооператив уй-жой қурилиши бўйича тегишли колхоз ва совхозда йиғилиш ўтказилиб, унда кооператив правления раиси ва ревизия комиссияси сайланиб, қарор қабул қилиниб, халқ депутатлари туман кенгаши ижро қўмитасида қайддан ўтказилган. Кооператив аъзоларига колхоз ва совхозлар томонидан уй-жой қуриш учун бош режа асосида ер ажратиб берилган. Кооперативларга ёши 18 ёшга тўлган, шу ҳудудда доимий яшаб келаётган, уй-жой шароитини яхшилашга эҳтиёжи бўлганлар аъзо қилинган эди. Кооператив уйларнинг нархи 10 мингдан 14 минг сўмгача бўлиб, қийматининг 30 фоизини тўлаб, қолган 70 фоизини давлат томонидан 20 йил муддатга қарзга берилар эди. Кооператив уйларнинг аҳоли

учун қулайлиги шунда эдики, барча коммуникациялар: йўл ва йўлаклар, водопровод, электр ва радио симларини ўтказиш каби юмушлар колхоз маблағи ҳисобидан амалга оширилар эди [24;3].

1983 йилда вилоятда 168.8 минг квадрат метр шахсий уй-жойлар фуқароларнинг шахсий жамғармалари ва банкдан олинган кредитлари ҳисобига қурилди. Қишлоқ ҳудудларида совхоз ишчи ва хизматчилар учун 76.6 минг квадрат метрлик 892 та уй, колхозларда колхозчи ва ишчилар учун 80.6 минг квадрат метрлик 1077 та уйлар қурилди. Шу йили вилоятда 54 та уй-жой қурилиш кооперативлари томонидан 22.6 минг квадрат метрлик 195 та кооператив уйлар қурилди. Бу уйларнинг 20.5 минг квадрат метри қишлоқ ҳудудларида қурилди [11;192]. Лекин ўрганилаётган даврда вилоят қишлоқ аҳолисининг асосий қисми шахсий уйлари хом ғиштдан ёки пахсадан қуришган. Улар банкдан кредит ёки ссуда олишмаган.

1983-1985 йилларда вилоятнинг қишлоқ ҳудудларида 595.5 минг квадрат метр, шундан совхозларда 77.1 минг квадрат метр уй-жойлар қурилди. Бундан ташқари 4290 ўринли боғчалар, 164 минг ўринли мактаблар, 720 ўринли касб-ҳунар-техника билим юртлари, 9 километрлик ички йўллар, 27.3 километрлик водопровод қурилган. Шунингдек колхозлар маблағлари ҳисобидан 14.2 минг квадрат метр уй-жойлар, 2135 ўринли боғчалар, 800 ўринли клублар, 7048 ўринли мактаблар, 89 километрлик автомобиль йўллари ва 96 километрлик водопровод қурилди [12;238]. 1986 йилнинг биринчи ярмида вилоятнинг қишлоқ ҳудудларида 68.7 минг квадрат метр турар-жойлар, 1255 ўринли мактабгача таълим муассасалари, 50 ўринли қишлоқ врачлик амбулаторияси, 400 ўринли клублар, 38 та артизиан қудуғи ва 78 километрлик водопровод қурилди [13;87].

Республика аҳолисига, хусусан қишлоқ аҳолисига уй қуриш учун ер участкаларининг талаб даражасидан анча кам миқдорда ер ажратилиши, аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиб бориши натижасида қишлоқ аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ортиб борди. Масалан, 1975 йилда республика қишлоқ жойларида ҳар бир кишига турар-жойлар 7.81 квадрат метрни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1985 йилга келиб 6.3 квадрат метрга камайдди [1;32]. Давлат органларига фуқароларнинг уй-жой масаласи бўйича мурожаатлари сони

кўпайди. 1974 йилда вилоят ижроия кўмитасига келган 586 та шикоят аризаларнинг 104 таси, 1982 йилдаги 751 та аризадан 113 тасида асосий масала кишиларнинг шахсий уй-жой қурилиши учун ер участкалари олиш эди [14;178]. 1983 йилда туман ижро кўмиталарига фуқаролардан 12 минг 700 та шикоятлар келган бўлса, улар асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш масаласи эди [15;3].

СССР Министрлар Советининг 1988 йил февралдаги қарорига асосан аҳолини уй-жой билан таъминлашни жадаллаштириш ва бунинг учун уй қураётганларга 20 минг сўмгача ссуда берилиши жорий этилди. Туманларда тузилган махсус комиссия орқали уй-жойга эҳтиёжи бўлган айрим кишиларга ссуда берилган бўлсада, лекин уй-жойига эҳтиёжи бўлмаган кишиларга ссуда бериш ҳолатлари кўпайган. Масалан, Гагарин туманида 1988-1989 йилда 375 кишига ссуда берилган бўлса, улардан 105 нафарининг уй-жойга эҳтиёжи йўқлиги аниқланган. Олтинсой туманида 10 нафар кишига берилган 43 минг сўмик ссудалар бошқа мақсадларда ишлатилган [23;3].

1989 йил 17 август куни Ўзбекистон ССР Министрлар кенгашининг “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу тарихий ҳужжат асосида республикадаги барча колхоз ва совхозлар имкониятидан келиб чиқиб, томорқаси бўлмаган оилаларга 7 сотихдан 25 сотихгача суғориладиган ер ажратилди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989 ва 1990 йилда республика бўйича бир ярим миллион оилага қўшимча ер, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Сурхондарё вилояти бўйича 41401 оилага 7000 гектар ер томорқа учун ажратилди. Вилоятда якка тартибда уй қурувчилар учун 1989 йилда 7.5 млн. сўм ссуда ажратилди.

Шундай қилиб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммоси мураккаб ва кўп режали вазифа бўлиб, у мамлакатнинг ўртача кўрсаткичларида умумий йўналишни белгилашдан ташқари, ҳар бир қишлоқ ҳудуди даражасида алоҳида ривожланишни талаб қилади. 1960-1980 йилларда Сурхондарё вилояти аҳолиси аксариятининг қишлоқ ҳудудларида яшаши, қишлоқ аҳолисинининг юқори

суръатларда ўсиши туфайли уй-жойларга бўлган талаб доимий ошиб борди. Қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши натижасида шахсий уйлар учун аҳолига, хусусан қишлоқ аҳолисига ерларнинг кам ажратилиши туфайли 1970 йиллар охири 1980 йиллар бошларида турар-жой билан боғлиқ муаммолар юзага чиқди. 1980 йиллар охирида Ўзбекистон ССР ҳукуматининг ташаббуси билан аҳолига томорқа хўжалиги учун ер ажратилиши қишлоқ аҳолиси ҳаётида муҳим воқеа бўлди ва турар-жой билан боғлиқ муаммоларни юмшатишга хизмат қилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Назарова З., Қамбарова Н. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш истиқболлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 32 б.
2. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 412-хужжат, 8 varaқ
3. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 478-фонд, 1-рўйхат, 9-хужжат, 70 varaқ
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 1735-хужжат, 16 varaқ
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 478-фонд, 1-рўйхат, 9-хужжат, 123 varaқ
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 439-хужжат, 184 varaқ
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 1183-хужжат, 15 varaқ
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 1594-хужжат, 318 varaқ
9. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 2299-хужжат, 15 varaқ
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 1882-хужжат, 266 varaқ
11. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 2904-хужжат, 192 varaқ

12. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 3172-хужжат, 238
варақ
13. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 2382-хужжат, 87
варақ
14. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 2662-хужжат, 178
варақ
15. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 45-фонд, 3-рўйхат, 2885-хужжат, 3
варақ
16. Тажимирзаев Э. XX асрнинг 60-80-йилларида Фарғона вилояти
қишлоқлари аҳолисининг кундалик ҳаёти: тар.фан.бўйича (PhD) фалс.докт.
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. – Андижон: АнДУ, 2019. –
150 б.
17. Турсунов С. Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 193 б.
18. Холмуминов Х. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида тарихий-
демографик жараёнлар. – Тошкент: Фан, 2011. – 93 б.
19. Хазраткулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения.
Специфика, опыт, перспективы (1971-1990гг.): автореферат дисс. на соискание
ученой степени докт.ист.н. – Ташкент: УзАН Институт истории, 1993. – 153 с.
20. “Юксалиш одимлари”, Ленин байроғи. 1968 йил 3 февраль
21. Ўзбекистон миллий архиви, 837-фонд, 41-рўйхат, 3549-хужжат, 20 варақ.
22. Ўзбекистон миллий архиви, 837-фонд, 41-рўйхат, 3549-хужжат, 110
варақ.
23. Қишлоқ қиёфаси ўзгаради. //Ленин байроғи, 1990 йил 25 январь.
24. Қишлоқда кооператив уйлар. //Ленин байроғи, 1977 йил 8 июнь.